



ISSN 2181-5186

**ЁШ ОЛИМЛАР АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ
THE BULLETIN OF YOUNG SCIENTISTS**

№3(4) 2022

| | | |
|-----|---|-----|
| 24. | Ж.С.Кочкоров, Х.Абдиқалиқова. Истатистия-гуманизтар фикарларини долзарблиги | 106 |
| 25. | М.Х.Муштақиева. Захира информации посредством искусственного интеллекта | 109 |
| 26. | С.Д.Норсулов. Функционал жанаги инновациялар жанаги инновацияларини диалектик боёқларини мақалаларини | 113 |
| 27. | С.Д.Норсулов. Жанаги инновацияларини инновацияларини инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 119 |
| 28. | А.К.Назратдинов. Коррупцияларини кура-инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 124 |
| 29. | Б.Б.Розиков. Табиғатини инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 128 |
| 30. | М.Ш.Тулаганова. Криптовалютага инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 132 |
| 31. | Б.Б.Розиков. Инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 136 |
| 32. | Ш.Ш.Ғайниев, Н.А.Ғайниев. Глобализация ва инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 140 |
| 33. | О.А.Шарипов. Инновацияларини инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 144 |
| 34. | Д.Ш.Шукурова. Инновацияларини инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 148 |
| 35. | Ш.А.Юлдашева, Н.А.Ғайниев, Г.О.Исмаилов. Уй-жой инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 151 |
| 36. | Д.А.Юсупов. Инновацияларини инновацияларини инновацияларини инновацияларини | 155 |
| 37. | Р.Шарипов. Роль государства в развитии аграрно-промышленного комплекса | 159 |

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ ШАКЛЛАНИШИ ХАМДА ИЖТИМОИЙ ОНГДАГИ
ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ДИАЛЕКТИК БОҒЛИҚЛИК МАСАЛАЛАРИ**

С.Д.Норкулов*

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, онг, ижтимоий онг, ижтимоий-тарихий тараққиёт, диалектика, индивидуал онг, демократия, бозор иқтисодиёти, иқтисодий эркинлик, информация, информацион эркинлик.

Ижтимоий борлиқ билан субъектив идрок, амалиёт билан онг ўртасидаги боғлиқлик, субстанционал асоснинг ўрни масалалари фалсафа ва тафаккурнинг азалий мавзуларидан бири бўлиб келади. Янги даврда илм-фан, рационалнинг аҳамияти кенг тан олинган бўлса-да, иррационалга бўлган қизиқиш сўнггани йўқ. Ижтимоий-тарихий тараққиёт кўрсатадики, жамият янги ривожланиш босқичига, кадриятларга ўтаётганида объектив борлиқдан қониқмаслик пайдо бўлади, кишилар ушбу бўшлиқни турли ғоялар, иррационал қарашлар билан тўлдирибга интиладилар. Инсон онги янги, объектив борлиқ қониқтирмаган, жавоб бера олмаган муаммоларига жавобни ички "Мен"даги, тасаввур ва субъектив борлиқидан, онг билан боғлиқ перцептив кечинмаларидан кидиради. Демократик кадриятлар инсонга қос ушбу фазилатларни қўллаб-қувватлайди, уларни ҳуқуқ, эрк, хурлик ифодаси сифатида қимоя қилади.

Объектив борлиқнинг аҳамиятлилиги ёки аҳамиятсизлиги киши онгини у ёки бу томонга йўналтиради, жалб этади. Аслида инсон онгли мавжудот сифатида аҳамиятли нарсаларга онгини йўналтиради, диққатини, фикрини қаратади. Объектив борлиқнинг мутолқ барча қисмлари, томонлари онг, диққат, фикр учун аҳамият қасб этавермайди, демак, объектив борлиқ "ўз ўзи учун мавжуд" А.Г.Маслоунинг иборасига кўра, бу "инсон психикасининг узок сарҳади"[1: – С. 63-65], яъни онг, билим, диққатни экстропектив фаоллигининг қафолати, имкони, маконидир.

Ижтимоий онг экстропектив хусусиятга эга ҳодиса сифатида инсоннинг ён-атрофга, объектив борлиққа, жамият уларнинг ички қонуниятларини, хусусиятлари ва имкониётларини англаган, билган тарзда муносабати ифодасидир. Унинг асосида билиш, яъни ижтимоий ҳаёт, объектив борлиқ қонуниятларини хусусиятлари ва имкониётларини билиш, ушбу билим асосида уларга муносабат билдириш, қараш, фикр айтиш ётади. Мазкур пастулотдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти билан ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик кишиларнинг фуқаролик жамияти қонуниятларини, хусусиятлари ва имкониётларини билиши асосидагина шаклланади.

Жамият қонуниятлари, хусусиятлари ва имкониётларини билиш мураккаб, узлуксиз, ички зиддиятларга тўла жараёнидир. Мазкур жараёндаги қарама-қаршиликлар бир томондан, ижтимоий борлиқнинг, кишилараро муносабатларнинг ички зиддиятларга тўлаллиги, мураккаблиги, иккинчи томондан, инсон онги ва тафаккурининг чекланганлиги, учинчи томондан, гносеологик эҳтиёж ва изланишларнинг беоромлиги, чексизлиги билан боғлиқдир.

Фуқаролик жамиятига қандайдир етук, мукамал борлиқ, ижтимоий макон сифатида қараш анъанага айланмоқда. Ижтимоий-тарихий тараққиёт кўрсатадики, етук, мукамал жамият, ижтимоий макон утопиядир, жамият ҳаётини олдиндан башорат қилиб бўлмайди, фақат догматик қараш қаерга боришимизни айтиб беришга интилади ва ўз башоратини оқлашга уринади. "Биз ўз ҳатоларимиздан ўрганган тақдирдагина билишимиз опиши ва фан

* С.Д.Норкулов – ф.ф.н., Тошкент тиббиёт академияси доценти.

тараксий этиши мумкин.” Янги, хали бирорта ўлкада қарор топмаган, инсоният хали излаётган ижтимоий макон мутлоқ етук, муқаммал бўлиши мумкин эмас. Ундаги янгиликларни бўрттириб, опшириб кўрсатиш эса жамият қонунарига, ижтимоий ҳаётга танқидий, рационал қарашга ҳалақит беради, йўқни бор қилиб кўрсатишдек саноҳонликни авж олдиреди. Танқид ўз қарашларимизни рационал таҳлил қилиб бориш ижтимоий маконни ҳам, гносеологик изланишларимизни ҳам етук, муқаммал томон силжитиши мумкин.

Фуқаролик жамияти демократик кадриятлар қарор топган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланган, очик мулоқотга, информациялар олиш ва информациялар тарқатишга қурилган ижтимоий макондир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш, инсон кадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш” [3.] мумкин. Ижтимоий онг эса информацияларга муҳтож, у жамиятдан очик бўлишни, зарур информацияларни тарқатишни талаб қилади. Ижтимоий-сиёсий институтлар, давлат ҳокимияти, оммавий ахборот воситалари, қабул қилинадиган қарор, режа ва дастурлар инсон онгини бойитувчи, унинг информацияга бўлган эҳтиёжини қондурувчи воситалардир. Бошқариш тизими, ҳокимият билан аҳоли ўртасида “коммуникатив диалог” юзага келиши демократик тараксийёт талабидир [2: – С.-121.]. Шундай экан ижтимоий онг жамиятнинг ҳолати, эҳтиёжлари ва имкониятлари ҳақида информациялар олиб туришга интилади, уларни ўз синтезидан ўтказеди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг коммуникатив-информацион имкониятлари борасида Ж.Мавлонов ўз монографиясида ҳақли тарзда саволлар қўяди: информация жамият, унинг ўзинга хос ривожланиш қонунари фуқаролик жамияти, унинг институтлари ва функцияларига таъсир этадими? Информация асрида фуқаролик жамиятининг қандай тенденциялари ва концепциялари кўпроқ долзарб? Таъкидотчи маъмур саволларга шахс маъкен, статуси орқали жавоб излайди. Фуқаролик жамиятидаги информация макон шахснинг лидер бўлишига ҳалақит берадиган тўсиқларни кескин қамайтиради [2:–С.-128.]. Энди информациялар айрим кишилар эгаллаши мумкин бўлган доирадан чиқиб, барча кишилар фойдаланиши мумкин бўлган воситаларга айланади. Ижтимоий онгни манипуляция қилиш, аҳолини алдаш ёки унга “элита назарияси” нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши мумкин эмас, истаган киши коммуникация тармоғидан зарур хабарларни олиб ўз фикрига, қарашига эга бўлиши мумкин. “Оддий фуқаро, субъект, маълум бир контекстга, муҳим воқеаларнинг гувоҳи-қузатувчиси, эксклюзив информацияга эга киши, жамиятда туғилаётган, лекин хали ўзини тўла намоён қилиб улгурмаган янгиликка ҳам оҳанг у ёки бу лойҳа муаллифи, тажриба кўрсатаётганидек, ҳақиқий, маълум бир ижтимоий қаракатларнинг лидери бўлиш имконига эга... Информация эркинлик (барча қамчиликларни, турли талқинлари ва уни рўёбга чиқаришдаги тўсиқларга қарамай) фуқаролик жамиятидаги янги муносабатларга асосдир. Информация жамиятида янги тилдаги шахснинг ижтимоий фаоллашуви жараёни тезлашади, у интеллектуал-информацион ва эмоционал-информацион коммуникация имкониятларидан ижтимоий таъсир технологияси сифатида фойдаланиб ўзининг ижтимоий фаоллигини опширади.” [2: – С.-129.] Маъмур фаоллик иқтисодий эркинлик (бозор муносабатларида иқтиёрий қатнашиш, хусусий мулкка эга бўлиш, корпоратив бошқаришга ҳисса қўлиш) ва норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш орқали мустаҳкамланади, объективлашади.

Ж.Мавлоновнинг информация – коммуникация тармоғининг фуқаро ва давлат, шахс ва жамият, социал бошқариш ва нодавлат ташкилотлари, постинформацион жамият ва ижтимоий кибернетика ҳақидаги фикрлари илмий қизиқиш уйғотади. Таъкидотчи чет элларда чоп этилган илмий асарлар, уларда баён қилинган назарий-фалсафий концепциялардан яхши хабардор экани сезилиб туради. Маъмур таҳлиллар миллий хусусиятлар ва Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти, бу борадаги амалий

таърибалар, ютух ва номувофиклик, камчиликлар билан боғланганида янада қимматли бўларди.

Фуқаролик жамияти билан ијтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик инсоннинг перцептив – когнитив хусусиятлардаги ўзига хосликни излаш билан боғлиқ эмас. А.Г.Маслоу, инсон билан ташқи олам, жамият ўртасида шундай диалектик алоқалар борки, улар ўртасидаги яқинлик ёки зиддият шахснинг ўз ичидagi хусусиятларини англашга, бишишга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Кишининг дунё билан яқин муносабатлари унинг ўз ички олами билан муросада, ахил яшагани ифодаси, деб кўрсатади [1: – С. 167-168.]. Ҳа, Ф.Нийше “одам англаш имконига эга бўлиши учун кўришни ўрганиши лозим” [1: – С. 168.], деган. Лекин бу барча воқелик, айниқса ијтимоий ҳаётда рўй берадиган ҳодисалар, кишининг реал борлиққа муносабатлари мутлоқ унинг ўз ички оламига муносабатдир, деган идеалистик-когнитив ҳулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Чунки ташқи ҳаёт, дунё қанчалик очик, демократик бўлгани сари инсоннинг ички олами, перцептив-когнитив дунёси ҳам шунчалик очик, демократик бўлиши даркор, акс ҳолда ўтказилаётган ислохотлар ва гуманистик ўзгаришларнинг аҳамияти йўқ. Ташқи дунёдаги, жамиятдаги демократизм инсоннинг ички дунёсидаги, руҳияти ва қалбидagi демократизм орқалигина қимматлидир. Фуқаролик жамияти ҳақида гап кетганида ијтимоий онгнинг мазкур ички, когнитив демократизмга таъсири, ундan кейин ијтимоий муносабатларга боғлиқлиги назарда тутилиши даркор. Агар фуқаролик жамияти инсон манфаатларини стратегик мақсад қилиб қўйса, ундаги демократик кадриятлар инсондаги когнитив демократизмнинг акс этиши билан ўлчаниши табиий ҳолдир.

Когнитив демократизмни инсоннинг ички руҳий эркинлиги, ушбу эркинликни сенсор информациялар таъсирида идрок этиши, ташқи таъсирларни инкор қилмаган ҳолда билим, информация, норма, императивларни ички руҳий перцептив кечималарига мувофиқ эркин ифода этиши, деб тушунамиз. Қисқа қилиб айтганда, инсоннинг ташқи демократик кадриятларга нисбатан ўзининг ички руҳий, маънавий, интеллектуал нормалари орқали эркин жавоби когнитив демократизмдир.

Социал демократизм ташқи оламга, реал борлиққа, когнитив демократизм инсоннинг ички оламига қаратилган. Фуқаролик жамияти, бизнинг фикримизча, ушбу ички демократизмнинг уйғунлашувини таъминлайдиган ијтимоий макондир. Бирок инсоннинг ички “Мен”и мавајуд экан когнитив демократизм ҳам сақланиб қолади. Ўзининг ички маънавий-руҳий эркинлигини ҳис қилмайдиган киши ијтимоий борлиқда, социал демократизм шароитида ўзини эркин сезолмайди. Ијтимоий онгда кечадиган трансформация жараёнлари нафақат социал демократизм, шунингдек, когнитив демократизм таъсирининг ҳам маҳсулларидир.

Когнитив демократизм ијтимоий онгда “Мен” ва миллий ўзлиқни акс этишида намоён бўлади. “Мен”ини ва миллий ўзлиқини англаган шахс бошқа “Менлар” ва бошқа миллий ўзлиқини топган шахслар билан тенг ҳуқуқлиқлик асосида муносабатларга киришади. Бундай шахс ўзи томонидан ҳам, бошқалар томонидан ҳам этноэгоизмга йўл қўймайди, у демократизм барча кишиларнинг тенг ҳуқуқлиқига қурилган принцип эканини, фуқаролик жамияти ушбу принцип орқали барқарор макон эканини билади. Ҳа, когнитив демократизм шахсиятпарастлик, индивидуализм ва эгоизмга йўл очиб беради. Фуқаролик жамияти шунинг учун ҳам инсонпарвар ијтимоий маконки, у эгоистик интилиш ва манфаатларни, инсон эрки ва ҳуқуқларини, демократизм принципини паймол қилмаган ҳолда, ијтимоий интилиш ва манфаатлар билан уйғунлаштира олади. Ијтимоий ондаги жамоавийлик, умумманфаатлар билан яшаш, альтруизм эгоистик майилларнинг авж олишига йўл бермайди, уларни маълум бир чегарада ушлаб туради. Демак, фуқаролик жамиятида ијтимоий назорат, ијтимоий-ахлоқий императивларнинг ўрни ва аҳамияти ошади. Ҳуқуқ-атвор, муносабатлар, ҳаёт ва фикрлаш тарзи мудом мазкур императивларнинг назорати асосида бўлади. Ијтимоий онг ијтимоий назорат билан уйғунлашиб, фуқаролик жамиятининг ривожланишига, унда гуманистик кадриятларнинг мустақамланишига хизмат

килади. Ијатимоний онгнинг экстроспектив хусусияти ијатимоний назоратда тўла намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришга урғу берар экан у индивидуал онгнинг ијатимоний онга айланишини, бу борада юзга келадиган муаммоларни эътибордан соқит қила олмайди. Ўзидан ўзи аёнки, инсон ҳуқуқи ва эркинликларига, шахс манфаатларини қондиришга урғу берилганида индивид онги (индивидуал онг) бош планга чиқали, фуқаролик жамияти у билан ҳисоблашини шарт. Индивид онгини (индивидуал онгини) ҳисобга олмай шахс манфаатларини рўёбга чиқариш ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Хўш, ушбу муаммо фуқаролик жамияти ва ијатимоний онг диалектик уйғунлиги, боғлиқлиги нуктан назаридан қандай қал этилиши мумкин?

Тан олиш керакки, бу борадаги ҳар қандай изланиш, маълум бир назарий – фалсафий ёндашиш қатор тўсиқларга дуч келади. Биринчи тўсиқ, зарур объектив информациялар ва реал таърибаларнинг йўқлиги билан боғлиқдир. Публицистик хусусиятга эга манбалар муаммони объектив ўрганишга имкон бермайди, улар илмий изланишлардан узоқ, оддий шпор ва даъватларга ишонувчан аудиторияга мўлжаллангандир. Иккинчи тўсиқ, илм аҳлининг ўзи ијатимоний борлиққа танқидий ёндашишга, ундаги позитив ва негатив жиҳатларни объектив очиб беришга шай эмаслигидадир. Учинчи тўсиқ, ијатимоний психологик хусусиятга эга, яъни социал демократизм билан когнитив демократизм ўртасида тафовут, жиҳдий фарқлар мавжудлигига бориб тақалади.

Фуқаролик жамияти ижодий меҳнат инсон иқтисодий эркинлигининг ифодаси, ијатимоний-иқтисодий тараққиёт шarti деб билади. Айнан ижодий меҳнати орқали шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаради, жамиятга, ён-атрофга муносабатини билдиради, онгида, қалбида шаклланган туйғуларни, фикрларни ифода этади. Шунинг учун иқтисодий эркинлик, бозор муносабатлари, хусусий мулк фуқаролик жамиятининг энг муҳим базисларишир [4: – 44-46 б.].

Фуқаролик жамияти билан ијатимоний онг диалектик тарзда ривожланадиган феноменлардир. Ијатимоний макон, муҳит онга қандай таъсир этса, онг ҳам муҳитга, ијатимоний маконга шундай таъсир этади. Бироқ ијатимоний макон, муҳит объектив борлик сифатида таъсир этади, онг эса субъектив феномен тарзда объектив борлиқни ўзгартиради. Объективлик ва субъективликнинг уйғун келиши ијатимоний тарққиётнинг яқлит воқелик сифатида, инсон ва жамият ҳаёти умумий қонуларга мувофиқ ривожланишидан дарак беради. Уларни бир-бирига қарши, антипод қилиб қўйиш мумкин эмас, гносеологик изланишлар улар ўртасидан фарқ, тафовут кидиради. Аслида бундай изланишлар ҳам инсон ва жамият ҳаёти умумий қонуниятларга мувофиқ ривожланишини мутлоқ рад этмайди. Тўғри, инсон онги беором изланишга, янги-янги муаммолар ва уларга ечимлар топишга мойил, уни тайёр постулатлар, назариялар қўп ҳам қизиқтиравермайди. Янгилик, бетакрорлик излаш орқали ўз “Мен”ини топиш ва намоён этиш субъектив феноменнинг ҳислатидир.

Инсоннинг дунёни англаши ўзининг ички дунёсини англаши орқали рўй беришини А.Г. Маслоу алоҳида ёндашув сифатида тақдим этади. Онг билан боғлиқ маъмур ёндашув тадқиқотчини “Мен”нинг “Ўзини ўзи долзарблаштириши” рўй беради, деган хулосага олиб келади.

“Ўзини ўзи долзарблаштириш” (“самоактуализация”) биринчидан, кишининг ўз ҳаётини, кучини, интеллектуал қобилиятини ўта муҳим деб билган нарсага, муаммога бағишлаши билан боғлиқ. Бу ўринда киши шундай бир кўтаринки, юқори эмоционал ҳолатни (буни баъзан экстаз, тасавуфдаги трансцендентал ҳолатга қиёслашди) бошидан кечирадики, айнан ушбу ҳолат унга “Мен”и нимага қодирлигини аён этади. Киши ўз “Мен”ини нимага қодирлигини билади ва умрини, ҳаётини бағишлаган нарса, муаммо “жонни фидо қилиш”га арзийдиган идеалга, максалга айланади [1: – С. 57].

Инсон умрини, ҳаётини нимага бағишлаши кераклиги ҳақида мудом ўйлайдиган, излайдиган мавжудотдир. Тирик мавжудотлар ичида фақат инсон нима учун яшайман,

хаётимни нимага бағишлашим керак, деган саволга жавоб излашдан тинмайди. Демак, умр “Мен”нинг “Ўзини ўзи долзарблаштириши” билан боғлиқдир. Фуқаролик жамияти инсонга хос бўлган ушбу хислатни йўққа чиқармайди (йўққа чиқариши ҳам дарғумон), балки унга янги, гуманитарик, сошиокреатив моҳият бахш этади.


Иккинчидан, А.Г.Маслоу фикрига кўра, “Ўзини ўзи долзарблаштириш” турли туман воқеа-ҳодисалар ичидан бирини, аслида юқоридаги идеалга мос келадиган ҳолатни, вазиятни танилашга йўналтириладиган жараёнлар. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий ҳаётдаги ранг-баранг, гоҳо зиддиятли ҳолат, вазиятлардан бирини танилаш мураккаб вазифалардан биридир. Бироқ бу инсоннинг ҳаётий позицияси, ҳаётий мақсади ва ўзини ўзи намоён этиш имконидан фойдаланишидир. Умуман жамият, ҳатто тоталитар тузумлар ҳам инсонни ушбу ўзини ўзи намоён этиш истагидан маҳрум қилолган эмас. Фуқаролик жамияти “Мен”га ўзини ўзи тўла намоён этиш имконини беради, бу борада унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Фуқаролик жамияти даврида шўролар давридагидек шахс билан жамият ўртасида зиддият, тўқнашув, қураш бўлмайди, аммо шахс билан аниқ бир муҳит, жамоа ўртасида қарама-қаршиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Мазкур қарама-қаршиликлар шахс онгидаги ижтимоий зарур ҳодисани танилаш позицияси, ҳаётий мақсади орқали ҳал этилади. Шахс ўзининг ҳаётий позициясини, идеали ва мақсадини ҳимоя қилиш орқали ўз “Мен”ини “долзарблаштиради”.

Учинчидан, инсонда унинг индивидуаллигини, соф “Мен”ини ифода этадиган нимадир бор. Ушбу “нимадир” уни бошқалар онгидаги фикрларни рад этиб ўз “Мен”ини намоён этишга, гоҳо муҳит, оила, жамият сиғиниб келган ғояларга қарши чиқишга ундайди. Ички “Мен” ва унга хос хусусиятлар фуқаролик жамияти амал қиладиган қонулар, тартиб ва ахлоқий императивларни рад қилмайди, балки уларни инсонга хос ижодий ёндашулар билан бойитилади. Инсонга хос бўлган ушбу хислатни ҳеч қандай талаб ва манфаатлар билан тобе этиб бўлмайди, фуқаролик жамияти ушбу сошиокреатив омилдан унумли фойдалангандагина ўзининг гуманитарик ғояларига амал қилади. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик инсонга хос сошиокреатив хислатлар қўллаб-қувватланганда тўла кўзга ташланади.

Тўртинчидан, “Ўзини ўзи долзарблаштириш” ички “Мен”даги эзгуликка, адолатга, мусоффоликка, жамиятни янада гўзал, олийжаноб кўришга бўлган интилишларни рўёбга чиқаришидир. Инсон қайси муҳитда, жамиятда яшамасин, мазкур умуминсоний кадриятлардан мутоқ воз кечмайди, ундаги ижтимоий онг, ижтимоий туйғу-кечинмалар ҳаётни янада инсонпарварлаштиришга ундаб туради. Натижада инсон ён-атрофини, ҳаётини янада гўзал ва олийжаноб қилиш ўйи билан нималарнидир қилиб яшайди. Демак, “Ўзини ўзи долзарблаштириш – қичик ютуқларни топишга қаратилган оғир меҳнат, аста-секин ўсишдан иборат машаққатли жараёнлар.” [1: – С. 62]. Яъни ҳаётдан маъно излайдиган инсон ўз “Мен”ини долзарблаштириши орқалигина излаётган жавобини топади.

Алаббетлар:

1. Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики. –СПб.: Изд гр. “Евразия”, 1997.
2. Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). – Т.: “Истиқлол нури”, 2014.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. // Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. 2021 йил 6 ноябрь.
4. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: “Шарк”, 2003.



**ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ ОНГДАГИ
ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ДИАЛЕКТИК БОҒЛИҚЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Маъқур мақолада фуқаролик жамияти билан ижтимоий онг ўртасидаги диалектик боғлиқлик кишиларнинг фуқаролик жамияти қонуниятларини, хусусиятлари ва имкониятларини билиши асосида шаклланиши тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада фуқаролик жамиятини когнитив демократизм ҳамда социал демократизмнинг уйғунлашувини таъминлайдиган ижтимоий макон сифатида ёритилган.

**ПРОБЛЕМЫ ДИАЛЕКТИЧЕСКОГО СООТНОШЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И ОБНОВЛЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО СОЗНАНИЯ**

В данной статье рассматривается диалектическая связь между гражданским обществом и общественным сознанием на основе знаний людей законов, особенностей и возможностей гражданского общества. В статье также описывается гражданское общество как социальное пространство, обеспечивающее интеграцию когнитивной демократии и социал-демократии.

**PROBLEMS OF THE DIALECTIC RELATIONSHIP OF THE FORMATION OF CIVIL
SOCIETY AND THE RENEWAL OF PUBLIC CONSCIOUSNESS**

This article discusses the dialectical relationship between civil society and public consciousness based on people's knowledge of the laws, features and capabilities of civil society. The article also describes civil society as a social space that ensures the integration of cognitive democracy and social democracy.